

Ахмад Яссавий

Ахмад Яссавийнинг хаёти хакида маълумотлар етарли эмас. Унинг «Хикматлари» ва баъзи тарихий-адабий манбалардаги изох ва маълумотларгина мавжуд. Адиб Ясси шахрида (Туркистон) рухоний оиласида тугилган. Отаси Иброхим Туркистоннинг таникли шайхларидан булган. Онаси Қиррасоч момо номи билан машхур.

Ахмаднинг ёшлиги огир кечган. Отаси жуда ёшлигида вафот этган.

Етти ёшда Арслон бобо излаб топди,
Хар сир куриб парда бирла букиб ёпди, —

мисралари ана шу машаккшли хаётига ишорадир. Айни пайтда бу мисралар мазмунида, Ахмад Яссавийнинг Арслон бободай йирик мутасаввуф олим кулида тарбияланганлиги ҳасида ҳам далолат бор. Бошқа бир уринда: «Етти ёшда Арслон бобога килдим салом», деб ёзган эди у. Сунг адиб Бухорога бориб Юсуф Хамадоний кулида таҳсил олади.

Ахмад Яссавий тасаввуф илмини шу қадар юқрри даражада эгаллайдики, халқ орасида «Мадинада Мухаммад, Туркистонда Хожа Ахмад» деган нақд пайдо булади. Ахмад Яссавий 1166 йилда вафот этган. Унинг шухрати адиб вафотидан кейин ҳам пасаймаган. Амир Темур унга алоҳида эътиқад билан қарагани маълум. У 1395 — 1397 йилларда Туркистонда Ахмад Яссавийнинг эски қабри урнида янгидан мухташам макбара қурдирган. Бу макбара ҳозир ҳам мавжуд.

Ахмад Яссавийнинг ёши хакида ҳар хил маълумотлар етиб келган. Унинг узи бир уринда:

Олтмиш учга ёшим етди, утдим гофил,
Хак амрини маҳкам тутмай узим жоҳил.
Руза-намоз қ,азо қилиб булдим коҳил,
Ёмон излаб, яхшилардан кечдим мано, —

деб ёзади. Бошқа уринларда ёши юз йигирмага етгани хакида ҳам қайдлар мавжуд.

«Хикмат»лар Ахмад Яссавий меросини жамлаган асар-ларидир. Уларда 240 га яқин шеър бор. Улар халқ орасида «Девони хикмат» номи билан машхур. Хикматларга «Қул Хожа Ахмад», «Хожа Ахмад Яссавий», «Ахмад ибн Иброхим», «Султон Хожа Ахмад Яссавий», «Яссавий мискин Ахмад», «Мискин Яссавий», «Хожа Ахмад», «Ахмад», «Ахмадий», «Қул Ахмад», «Мискин Ахмад» каби таҳаллуслар қуйилган.

Ахмад Яссавий мутасаввуф шоир. Бу тасаввуф тариқатига мансубликни билдиради. Тасаввуфдаги турт асосий босқич — шариат, тарқат, маърифат, ҳақиқат моҳиятини шеърӣ мисраларига сингдирган Ахмад Яссавий шу йуналишда қатта шухрат қ.озонди. Бу бежиз эмас. Адиб тасаввуфни инсон маънавиятини юксалтирувчи муҳим омил сифатида билади. Бундан мақсад инсониятни тугри йулга даъват этишдир. Тугри йул ҳақиқатни англашга олиб келмоғи қерак. Ҳақиқатни англаш узликни билишдир. Бунга эришмоқ учун киши дин аҳкомларини қаттиқ. тутмоғи, худога муҳаббат пайдо қила билмоғи, бутун қуч ва вужудини шу йулга қарата олмоғи қерак.

Ахмад Яссавий шеърӣятидаги образлар тузилиши ҳам тасаввуф таълимоти билан, ҳам оғзаки ижод анъаналари билан қамбарчас боғланиб

кетган. Масалан, шеърларда учровчи пир, дарвеш, ошик, обид, окил, зохид, ишк, толиб, уммат, расул, шайтон, иймон каби образлар бевосита тасаввуф билан боғланса, йул, работ, карвон, ук кабилар огзаки ижод анъаналари билан алоқадор ҳолда юзага келган.

Нафс ҳақида гапирар экан, Яссавий уни инсоннинг камолотига ҳалакит берадиган ёвуз ва ярамас куч сифатида баҳолайди. Унга «шум» сифатининг берилиши бежиз эмас. Шунингдек, «нафси бад», «нафс йули», «нафси илги» сингари ифодалар шоир фикрини ёрқинлаштиради. Адиб тугридан-тугри нафсни тепкил, нафсдан кеч, дея тарғиб қилади. Нафснинг домига илиниш инсонни канчалик ер билан яқсон қилишини жуда ёрқин ифодаларда қурсатиб беради:

Нафсинг сени бокиб турсанг, нелар демас,
Зори қилсанг, оллох сари бурон сунмас.
Кулга олсанг ёбон кушдек кулга кунмас,
Кулга олиб, тун уйқисин қилгил безор.

Ёки:

Нафс йулига қирган киши расво булур,
Йулдан озиб, тойиб, тузиб гумроҳ булур.
Ётса, қупса шайтон билан ҳамроҳ, булур,
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадқирдор.

Аҳмад Яссавий шеърятининг кенг тарқалиши ва халқ орасида севиб уқилишининг асосий сабабларидан бири унинг халқ огзаки ижодида ниҳоятда яқинлигидадир. Хикматлар, асосан, туртлик ва мураббаъ шаклида яратилган.

Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қилгон,
Қар қим тепса, рози булиб буюнсунгон,
Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олгон,
Андак ошиқ маҳшар қуни армони йук.

Ёки:

Рохат ташлаб, жон меҳнатим ҳушлаганлар,
Сахарларда жонин қийнаб ишлаганлар,
Ҳаю ҳавас, моумонни ташлаганлар
Чин ошиқдир, ҳаргиз они ёлғони йук.

Қуриниб турибдики, ҳар икки туртлик ҳам а-а-а-б шаклида қофияланган. Дастлабки туртликдагина қофиялар фақат қушимчалар (-гон) такрори туфайлигина ҳосил булган. Улардаги узак сузлар (қил-, сун-, ол-) узаро оҳангдош эмас. Бу нарса огзаки ижод учун ҳосдир. Кейинги туртликда эса узак сузлар (хушишлаш) узаро оҳангдош булиб келмоқда. Уларга қушилган қушимчалар оҳангдошликни янада қучайтиради.

Қофияда мавжуд булган оҳангдошликни шеърнинг бошқа қисмларида такрорлаш ҳам огзаки ижод анъаналаридан ҳисобланади. Аҳмад Яссавий бу анъаналардан ниҳоятда унумли фойдаланади.

Ишққа тушдинг, утқа тушдинг, қуйиб улдинг,
Парвонадек жондин кечиб аҳгар булдунг.
Дардга тулдунг, ғамга сулдунг, телба булдунг,
Ишқдардини сурсанг ҳаргиз дармони йук.

Сузлар такрори ҳам шеърятдаги охангдошликни нихоятда кучайтириши мумкинлигини Ахмад Яссавий ижодида куплаб кузатиш мумкин:

Зохид булма обид булма, ошик булгил,
Мехнат тортиб ишк йулида содик булгал,
Нафси тепиб, даргох.ига лойик булгил,
Ишксизларни имони йук ҳам жони йук.

Сузлар такрори силсиласида радифнинг алохдда урни бор. Радиф кофиядан кейин такрорланиб келувчи сузлардир. Ахмад Яссавийнинг ижодида купинча бу бир суздан иборат. Юкоридаги мисраларда айнан шундай булган. Мураббаъ-ларнинг дастлабки банди а-б-в-б шаклида кофияланган булиши мумкин:

Водариго, нечук килгум гариблигда а
Рариблигда гурбат ичра колдим манов б
Хуросону, Шому, Ирок ният килуб, в
Рариблигни куп кадрили билдим манов б

Улар орасида а-а-б-а шакли куп учрайди:

Хак кунлари дарвешлар хдкикатни билмишлар,
Хакка ошик булгонлар хак йулига кирмишлар.
Хак йулига киргонлар, оллох тею юргонлар,
Эранлар изин излаб, мамлакатдин кечмишлар.

«Хикматлар»да маснавий шакли ҳам учрайди:

Мани хикматларим доно эшитсун, а
Сузум дoston килуб максудга етсун. а
Мени хикматларим бир пири комил, б
Каю банда худога булса мойил... б

Ахмад Яссавий шеърятини огзаки ижодга якинлаштирган омиллардан яна бири уларнинг бармок вазнида яратилганидир. Улар, асосан, 11 ёки 12 бугинли бармоқдан ташкил топган.

Савол ва топшириklar

1. Ахмад Яссавийнинг хаёти ва ижоди хакида нималарни биласиз?
2. «Девони хикмат» кандай яратилган?
3. «Девон»даги асарларнинг жанр хусусияtlари хасида нима дея оласиз?
4. «Хикматлар»да кандай ахлокий-маърифий масалалар